Шарқ юлдузи

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

8

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:


Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(бош редактор ўринбосари)
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА

Наср



Пиримқул ҚОДИРОВ

АВЛОДЛАР ДОВОНИ

Роман


Барча элларни бир-бирига руҳан яқинлаштириш қанчалик муҳим бўлса, турли авлодлар орасидаги низони йўқотиш ва меҳру оқибатни мустаҳкамлаш ҳам шунчалик зарурдир.

Шеърият


Дилшод ШАМС

БУЛ ҲАҚНИНГ ҚУЁШИ, СИЗГАДИР ФИДО

Юрак бир покиза, юрак мунаввар,
Оёқ ерга тегмай учиб бораман.
Ахир мақсудимга етдим-ку бадар,
Элнинг бахти учун битта чораман.



Публицистика



Йўлдош СУЛАЙМОН

БИР ДАРЁНИНГ ИККИ ҚИРҒОҒИ

Бир қишлоқда ўсган, бир-бириникига кирди-чиқди қилиб, яхши-ёмон кунида ҳамдард бўлиб юрган одамлар энди нега ўзаро душманга айланиб қолишди, қариндош-уруғлар, ҳатто ака-укалар орасида ҳам бир-бирига ёв бўлганлар топилади-я? Нега шундай? Улуғимиз Нажибуллонинг миллий яраш деб юраги эзилаётганини нега тушунишмаяпти?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турсунбой Адашбоев

«КАШФИЁТ»НИНГ ОСОН ЙЎЛИ

Биз азалдан «ёш ижодкор» деб аташга кўникиб қолган болалар шоирларидан бири хоразмлик Рустам Назардир. У қирқ ёшга чиққанида биринчи тўпламини — «Яшасин қуёшли кун» нашр этилди. Тўпламни ўқиган синчков китобхон адабиётимизга ўзига хос овозга эга бўлган яна бир шоир аллақачон кириб келганлигига гувоҳ бўлади. Унинг «Тақлид қилувчи бола» шеърини кўздан кечирсангиз авторнинг мақсадини осонгина англайсиз:

У — Чингачгук, мард ҳинду,
Тутқич бермас ёвларга!
У — Маугли, бўрилар
Билан чиқар овларга.
У — Робинзон, оролда
Яшар танҳо ва нолон!
У — Бармалей, қароқчи
Қилар босқин, тўполон.
Ўзга номлар, қисматлар
Билан яшар хотиржам.
Йўқ ўзининг ташвиши,
Йўқ ўзининг исми ҳам.

Рустам Назар болалар ўртасидаги қизғин баҳс ва тортишувларнинг оқибати нималарга олиб келишини қуйидагича изоҳлайди:

Енгилмоқни ким истар,
Ўжар етти пуштимиз.
Овозимиз бўғилса,
Ишга тушар муштимиз...

Ҳамза Имонбердиев иқтидорли болалар шоири. Ҳамзанинг янги тўплами — «Ғаройиб пуфак»га жамланган ўттиз учта шеър ва «Кўк қалам» эртаги жонажон табиатни муҳофаза қилишга, тинчликни сақлаш мавзусига қаратилган. Ижодкорнинг «Қуёш бобога хат», «Томоша», «Ўрмонда кино», «Турди, ўғри ва кетмонвой» сингари бир талай машқлари ёзилиш шакли, равонлиги билан китобхонни ўзига жалб этади. Бу жиҳатдан «Таъмсиз олмалар» сарлавҳали шеъри характерлидир:

Уйдан чиқди бир аёл
Қўлларида мис челак.
Чор-атрофга ўғринча
Қаради олазарак.
Ковуши билан бир-бир
Майсаларни босди-да.
Мағзавани ағдарди
Шундоқ олма остига.

Шоир шу тарзда худбинлик кўчасига кирган кимсаларнинг башарасини очиб ташлайди ва кичкинтойларни оқил, сергак бўлишга чақиради.

Ҳамза Имонбердиев ҳар бир сатр ва банд устида қунт билан ишлаши, машқларига нисбатан устоз Қудрат Ҳикматчасига бешафқат бўлиши керак. У айрим ўринларда ҳиссиётга берилиб кетиб, мисралар устида тер тўкишдан қочади. Масалан, «Ким ширин?» ва «Сир» деб номланган икки шеъридаги бир хил қофияларни олиб кўрайлик»

Шундай деб икковин тез,
Бир ҳамлада еб қўйди.
Сўнг: Ҳа, ширин экансиз
Иккингиз ҳам, — деб қўйди.

Ёки:

Укасининг қаймоғин
Айёр Сайёр еб қўйди.
Сўнгра: Жўра, ойимга
Айтма, хўпми, — деб қўйди.

Болалар адабиётига яхши умидлар билан кириб келаётган янгийўллик Абдураҳмон Акбаров билан андижонлик Муқимжон Қодировларнинг биринчи тўпламидан улар ўз устида қунт билан ишлаётгани кўриниб турибди. Икки тенгдош шоирнинг ижоди бир-бирига муштарак.

Абдураҳмон Акбаровнинг «Мақтанма, даканг», сарлавҳали машқида хўроз билан кучукнинг суҳбатига эътибор беринг:

Саҳар пайти қичқириб,
Мақтанар хўроз:
— Мендан эрта уйғонар
Қайси бир шоввоз!
Ғаши келиб кучук дер:
— Керилма, даканг!
Кечадан бери уйғоқ
Олапар аканг.

Муқимжон Қодировнинг «Қўли очиқ бола» шеъридаги топқирлик эътиборга сазовор:

— Бизникига юр, Ҳалим,
Тўрлаб пишди ҳандалак.
Пўчоғидан эчкингга
Опкетасан бир челак.

Энди икки оғиз гап «Ёш гвардия» нашриётининг «Авторнинг биринчи китоби» нашр этиладиган бўлими борасида. Мазкур бўлим авторлар коллективининг машқларини бир ярим босма табоққа «жойлаштириш» эвазига ўтган йили ўн иккита ижодкордан жуда осон қутилган. Ҳолбуки ана шундай коллектив тўпламдан шеърлари ўрин олган Оллоберган Пўлатов, Фарид Усмон, Худойберди Эшонқулов каби ўртоқлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг болалар учун ёзган асарларини алоҳида тўплам ҳолида чоп этишнинг вақти етди.

«Бойчечак» альманахининг ўтган йилги китобига киритилган шеърларнинг кўпчилик қисми хом-хатала. Ҳаваскор Мўминжон Ҳошимовнинг «Ақлли мушук» шеърини олайлик:

Каравотда жимгина
Ухлаб ётар эди мош.
Келиб унинг думидан
Қаттиқ тортди Нор бебош.
Юмдалади бирдан Мош
Нор тўсатдан дод солди.
Шунда унга ачиниб,
Мушук ҳам йиғлаб қолди.

Бундай машқларни ўқиган бола ҳам автор учун хижолат тортиб йиғлаб юбориши мумкин. Энди СССР Ёзувчилар Союзининг аъзоси Болтажон Содиқовнинг «Дашнабод анори» машқига эътибор беринг:

Дашнабод бўлган обод
Мўлдир анжир, узуми.
Анорин еб кўрганнинг,
Ҳузур чулғар юзини.
Дашнабодлик боланинг
Шунинг-чун қувноқ юзи.
Улуғвор, тетик, соғлом
Анордек қизил юзи.

«Бетга айтганнинг заҳри йўқ» дейишади. Айрим ижодкор дўстларимиз кўр-кўрона тақлидга зўр бермоқдалар. Уқиб эмас, ўқиб ёзиш тобора авж олиб боряпти. Нусрат Абдусаломовда кичкинтойлар адабиётига нисбатан ихлос кучли. Бироқ, мустақил изланмаётир.

Энди менга писандмас
Серхархаша жала, дўл.
Соябоним остида
Усти-бошим бўлмас ҳўл.
(Эркин Қамбар,
«Соябон», 1980 йил).

Энди Н. Абдусаломовнинг «Соябон»ига эътибор берайлик:

— Дадажоним, раҳмат сизга
Соябон мос ёшимга.
Ёмғирли кун тутиб олсам,
Ёмғир тушмас бошимга.
(1987 йил).

Шоир Омон Мухторнинг 1964 йилда «Гулхан» журналида босилган «Бувим эртак айтади» сарлавҳали шеърида буви набирасини ухлатиш илинжида эртак айтиб, ўзи ухлаб қолгани ёдимизда. Қашқадарёлик Асрор Қиличевнинг «Бойчечак» альманахидан ўрин олган «Ким-кимни ухлатади» машқини ўқигач, ким-кимдан кўчиргани аён бўлади.

Сабзавотлар тўғрисида Ҳабиб Раҳмат, Анвар Обиджонлар қатор пухта шеърлар яратишган. Обид Расул эса 1977 йилда ана шу мавзудаги асарларини жамлаб «Кўк чакмонли йигитча» тўпламини нашр эттирган. Ижодкорнинг бир хил темага такрор мурожаат қилишидан кўзда тутган муддаоси китобхонга янги гап, охори тўкилмаган фикр айтишдир. Қаламкаш Иброҳим Донишнинг «Сабзавотлар нима дейди?» туркумига кирган шеърларини кузатган ўқувчи барчага беш панжадек маълум бўлган фикрларни такрорлашидан ҳеч наф олмайди. «Гаримдори» нима деганлиги билан танишайлик:

«Билиб ишлатганга мен,
Дўстим, ярим дориман.
Билмай ишлатганга мен
Аччиқ гаримдориман»,
(Ҳабиб Раҳмат,
«Бизнинг звено» тўплами,
«Ёш гвардия» нашриёти, 1968 йил.)

* * *

«Гаримдори дегани
Ярим дори дегани...»
(Иброҳим Дониш,
«Ўқитувчилар газетаси», 1988 йил, 14 май).

Ёки камина билан дўстимиз Одил Абдураҳмоннинг қуйидаги шеърларини чоғиштириб кўринг:

БАҚАЛАР
— Ҳаво айниб бирданига
Ёмғир қуйса пақирлаб.
Нима учун бақалар,
Сувга қочар вақирлаб?
— Ёмғирдан қочишмаса
Уст-боши ивиб қолар.
Шунинг учун анҳорга
Шўнғиб кетар бақалар.
«(Олатоғ-лолатоғ» тўплами, 1987 йил,
«Ёш гвардия» нашриёти).

ЁМҒИРДА
Ҳаво тафти бузилди:
Булут келди элаклаб
Чақмоқ чақиб «қарс-қурс»
Ёмғир қуйди челаклаб.
Қўй-қўзилар дилдирар,
Қирда пана йўқ эди...
Ивимай деб бақа ҳам
Секин сувга шўнғиди.
«Гулхан» журнали, 1988 йил 4-сон

Ўзбек болалар адабиётининг шу кунги аҳволи бўйича асосли ва холис тадқиқотлар олиб бориш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги учун ҳам юқоридагидай нохуш ҳолатлар юз бераётганлиги сир эмас. Масалан, бу йил 20 та шеърий китоблар нашр этилган бўлишига қарамай, республика матбуотида бирорта тақриз босилиб чиқмади.

Менимча болалар адабиётининг мутахассислари бўлмиш баъзи танқидчиларимиз иккинчи даражали масалалар билан машғул бўлмоқдалар. Масалан, шеъриятни тадқиқ этиш соҳасида бир қатор хайрли ишлар қилаётган ҳурматли олимамиз Соҳиба Ирисхўжаеванинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 29 январь сонида ёритилган «Сўз ва шеър» мақоласида айрим мунозарали ўринлар бор. Авторнинг қуйидаги эътирозига эътибор беринг: «Гулхан», «Ғунча» журналларида ва айрим тўпламларда босилаётган шеърларда тилимиздан ўринли фойдаланмаслик, болалар руҳига мос келмайдиган сўзларни кўп қўллаш холларини учратиш мумкинки бундай нуқсонлар ўқувчини ранжитади, она тилимиз гўзаллигини, бойлигини намойиш этмайди. Масалан, «Қўшиқ қилиб...» шеъридаги:

Эриб «қишнинг
Муз — қирмочи».
Қулоқ ёзди,
Ялпиз, мочин.

«муз — қирмочи», «мочин» сўзларини ёш боланинг сингдириши қийин».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мана сизларга шеърни таҳлил қилиш «санъати». Наҳотки, мазкур мақола автори халқимизнинг «Муз — қишнинг қирмочи» деган нақлини унутган бўлса? Республикамиздаги кичкинтойларнинг 80 фойизи қишлоқларда яшаётганлигини ҳисобга олсак, улар ҳайвонот ва ўсимликлар оламини сиз билан биздан яхши билади. Чунончи, «Жағ-жағ, ялпиз ва мочинларни» аниқ-таниқ фарқлайди. Демак, у ҳолда ўртоқ С. Ирисхўжаевнинг фикрига кўра шаҳарлик болалар «руҳига тўғри» келмайдиган сўзларни ишлатгани учун ижодкор айбдорми? Ёки шаҳарлик болаларга луғатлар илова қилинган махсус шеърлар ёзишимиз керакми?...

Республикамизда болалар адабиёти бўйича «аканг қарағай мутахассис» деб юрган 16 олим бўлиб, аслида улар адабиётимиз жараёнида фаол иштирок этиш ўрнига фақат «олим» деган диплом олиш учунгина шу кўчадан ўтиб, ўзлари танлаган соҳани тирикчилик манбаига айлантириб олишмаганмикин деган ўйга борасан. Олимларимиз сафига Сафо Матчонов, Раҳматулла Баракаев, Қурдош Қаҳрамонов сингари иқтидорли дўстларимизнинг келиб қўшилганлигидан қувониб, уларга яхши умидлар боғлаган бўлишимизга қарамай, бу ўртоқларда изчиллик етишмаяпти. Натижада ёзувчи ва шоирларнинг ўзи тақриз ва таҳлил ишлари билан шуғулланишга мажбур бўлаётир.

Хўш, 1987 йилги ўзбек болалар шеърияти шу куннинг талабига жавоб берадими деган савол туғилиши табиий. Бундай ўринли саволга «бир нави» деб жавоб қайтаришдан ўзга иложимиз йўқ. Сабаби, устозларимиз ўтган йили одатдагидек ўз асарларини қайта нашр этиш эвазига китоб дўконларини «обод» этишди. Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Султон Жаббор Анвар Обиджон, Кавсар Турдиеваларнинг асарлари эса адабиётшуносларнинг муносиб баҳосини кутмоқда.

Катталар адабиётида «омади юришмаган» баъзи ижодкорлар болалар учун мослашиб турли йўллар билан гоҳо пионер матбуотларининг «кўнгилчанлиги»дан фойдаланиб хом-хатала машқларини эълон қилаётганлари барчага аён. Оқибатда «Ленин учқуни», «Гулхан» ва «Ғунча» журналларида чиққан машқларини дастак қилиб, «Нега китобим чиқмайди», деб ноширларнинг бошини қотираётганлари сир эмас.

Юқорида мисоллар билан асослаб ўтганимиздек болалар шеъриятига тўғаноқ бўлаётган кўр-кўрона тақлидчилик, бир хил мавзуда «ҳасан-ҳусан» қабилидаги машқлар ёзишдек зарарли иллатларга кескин барҳам беришимиз керак. Олдимизда буюк аллома бобокалонларимиздан ибрат олишга чорлайдиган, қадимий шаҳарларимизнинг тарихи ҳақида ҳикоя қиладиган, дўстликни улуғлашда ва табиатни муҳофаза қилишда иттифоқ миқёсида бўйлашадиган асарлар, ўзбек халқ достонлари асосида мактабгача ёшдаги болаларга мослаб эртаклар яратишдек энг долзарб вазифалар турибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

Муҳаммадали Қўшмоқов. Ҳали суюкли навбаҳорлар келадур 3
Шукур Қурбонов. Бир қалб манзараси. *Шеърий қисса* 78
Дилшод Шамс. Бул ҳақнинг қуёши, сизгадир фидо 134
Ҳалима Аҳмедова. Мезонларнинг узун йўллари аро 136
Мақсуд Бекжон. Кўзларингга бораман қайтиб 148
Инобат Нормуродова. Ҳар куни мени йўлларим кутар 151

НАСР

Пиримқул Қодиров. Авлодлар довони. *Роман* 7
Эркин Аъзамов. Байрамдан бошқа кунлар. *Қисса* 85

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Абул Фарож ал Исфаҳоний. Абу Таммом ҳақида ҳикоятлар 138

ПУБЛИЦИСТИКА

Евгений Березиков. Тирик афсона. Эссе 153
Йўлдош Сулаймон. Бир дарёнинг икки қирғоғи 167

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Т. Л. Толстая—Сухотина. Отам бағрида 160

АДАБИЙ ТАНҚИД

Турсунбой Адашбоев. «Кашфиёт»нинг осон йўли 180

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Абдурашид Абдуғафуров. Муқимий ва рус шарқшунослари 183

ТАНҚИДНИ ТАНҚИД

Акрам Каттабеков. Теранлик ва холислик йўлида 189

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Муҳаммад Солиҳ. Дулбаржин 195

ТАҚРИЗ

Тожихон Собитова. Маънавий мулкимиз 118

АКС САДО

Қудрат Дўстмуҳамедов. Олий таълим — мажбурий! 200
Исомиддин Ерматов. Қайта қуриш талаби 202

ГУЛҚАЙЧИ

Йўлдош Солижонов. Адабий консультация 204

www.ziyouz.com kutubxonasi

СП-1

Министерство связи СССР
«Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету / журнал **75458**
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(индекс издания)

(наименование издания) | Количество комплектов

на 1989 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в.	место

на газету / журнал **75458**
(индекс издания)

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(наименование издания)

Стоимость: подписки — руб. ___ коп.; переадресовки — руб. ___ коп. | Количество комплектов

на 1989 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия, инициалы)

ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

1989 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Шу йил охиригача ва келгуси йилда республикамиз ҳамда мамлакатимизнинг энг яхши адиблари томонидан яратилган романлар, достонлар, қиссалар, шеърий туркумларни ёритиб бориш ниятидамиз. Йил давомида эълон қилинган қайси асарлар сизларга ёқди, қайсилари маъқул бўлмади? Бу ҳақдаги фикрларингизни ёзиб юборсангиз, «Акс садо» рубрикаси остида ёритамиз. Сиз қайси адибларнинг асарларини ўқишни исташингизни ҳам билгимиз келади. Шунингдек, журналда кўпчиликни ҳаяжонга солаётган жиддий муаммолар мунтазам ёритилади. Юқоридаги бланкани қирқиб олиб, тўлдиришингиз, алоқа бўлимларида ёки иш, ўқиш жойингиздаги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

«Шарқ юлдузи»га обуна ЧЕКЛАНМАГАН миқдорда қабул қилинади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонементе должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонементе проставляется оттиск календарного штемпеля отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ—МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.

Зак. 254—15.000.000—81 г.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 8
Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.** Рассом **Ғ. Алимов** Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 31.05.88 й. Босишга рухсат этилди 07.07.88 й. Қоғоз формати 70×108 1/16. Р-16741. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 170932. Буюртма 3638.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41

www.ziyouz.com kutubxonasi